БАЙРАМИНГИЗ БИЛАН, АЗИЗ ОПА-СИНГИЛЛАР!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 51 (8291). 8 март, 1984 йил ● ПАЙШАНБА ● Баҳоси 3 тийин.

СОВЕТ ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА

Азиз хотин-қизлар!
Ватанимизнинг шонли қизлари!

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Марказий Комитети Сизларни халқаро хотин-қизлар куни — бутун дунё меҳнаткаш хотин-қизларининг интернационал бирдамлик куни билан астойдил табриклайди ва самимий қутлайди!

8 март — энг порлоқ ва қувончли байрамларимиздан биридир. У ҳар бир меҳнат коллективига, ҳар бир оилага баҳор билан бирга кириб келади. Социал-иқтисодий ва маданий қурилишнинг ҳамма соҳаларидаги илҳомбахш, тинимсиз ишлари учун хотин-қизларга бутун мамлакат сидқидилдан миннатдорчилик изҳор этади.

Бу йил халқаро хотин-қизлар куни совет халқининг юксак сиёсий активлиги ва меҳнат ғайрати вазиятида нишонланмоқда. СССР Олий Советига ўтказилган сайлов социалистик демократиянинг буюк ҳаётий кучини, меҳнаткашлар Коммунистик партия ва унинг Марказий Комитети теварагига маҳкам жипслашганликларини яққол намойиш қилди. Партия билан халқнинг мустаҳкам бирлиги, совет кишиларининг онглилиги, уюшқоқлиги Юрий Владимирович Андропов билан видолашув кунларида яққол намоён бўлди. Совет кишилари партия билан халқнинг қатъий ва изчил равишда Ленин йўлидан бораверишга қилган азму қарорини изҳор этган КПСС Марказий Комитети 1984 йил февраль Пленумининг якунларини яқдиллик билан маъқулладилар.

Совет хотин-қизлари — халқимиз ижодкорлик меҳнатининг тўла ҳуқуқли қатнашчиларидир, мамлакат моддий ва маънавий бойликларининг бунёдкорларидир. Ривожланган социализмни такомиллаштиришнинг кенг миқёсли вазифалари ҳал этилаётган, партия XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумларининг қарорларини бажариш соҳасидаги қизғин ишлар давом этаётган ҳозирги пайтда хотин-қизларнинг роли буюк ва масъулиятлидир. Шаҳар ва қишлоқлардаги меҳнаткаш аёллар партиянинг даъватига жавобан 1984 йил планини ва умуман беш йиллиқни тўла ҳамда ошириб бажариш учун бошланган социалистик мусобақага актив қўшилдилар. Экономиканинг ривожланиш суръатларини жадаллаштириш, фан ва техникани янада тараққий эттириш кўп жиҳатдан хотин-қизларнинг омилкорлигига, куч-ғайратига, истеъдодига, касб-маҳоратига боғлиқ. Советлар мамлакатининг хотин-қизлари социалистик Ватан бахт-саодати йўлида бундан буён ҳам ўз кучлари ва билимларини аямай сарфлай беришларига КПСС Марказий Комитети аминдир.

Коммунистик партия давлат ва жамоат ишларини идора қилишда хотин-қизларга актив қатнашишлари ҳақида ғамхўрлик қилмоқда. Бўлиб ўтган сайловда халқ ўзининг энг яхши қизларини мамлакатнинг қонун чиқарувчи Олий органига сайлади. Депутатларнинг учдан бири хотин-қизлардир. Миллионмиллион хотин-қизлар маҳаллий Советларда, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларида самарали ишламоқдалар, уларнинг кўплари корхоналарга, совхозларга, колхозларга ва муассасаларга бошчилик қилмоқдалар. Мана шуларнинг ҳаммаси совет турмуш тарзи афзалликларининг, социалистик тузумимиз чинакам демократизмининг яққол далилидир.

Биз меҳрибон оналарга чуқур ҳурмат туйғуси билан мурожаат этамиз. Сизлар фарзандларни социалистик Ватаннинг онгли, меҳнатсевар гражданлари қилиб вояга етказаяпсизлар, ёшларни юксак коммунистик идеаллар руҳида тарбиялаяпсизлар. Ёш авлоднинг биринчи мураббиси бўлган бебаҳо, олижаноб меҳнатингиз учун бутун халқ номидан сизларга раҳмат айтамиз!

Совет хотин-қизларининг истиқболга ишончи комил. Капитализм шароитида хотин-қизларга доимий таҳлика солиб турадиган ишсизлик ва бошқа социал кулфатлар сизларга хавф солмайди. Аёллар, болалар, оила тўғрисида ғамхўрлик қилиш — социалистик жамиятнинг қонунидир. Хотин-қизларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилашга оид тадбирлар муттасил амалга оширилмоқда, уй-жой қурилиши кенг миқёсда олиб борилмоқда, болалар боғча ва яслилари, соғлиқни сақлаш муассасалари тармоғи кенгайтирилмоқда. Умумий таълим ва ҳунар мактабининг ислоҳ қилиниши ёш ўринбосарларга таълим ва тарбия бериш, уларни турмушга ва меҳнатга тайёрлаш учун жуда катта аҳамиятга эга бўлади.

Ҳурматли хотин-қизлар!

Планетамиз таҳликали даврни бошдан кечирмоқда. Агрессив империалист доираларнинг айби билан халқаро вазият ғоят кескинлашиб кетди. Мана шундай шароитда Совет Иттифоқи сабр-матонат ва сергаклик кўрсатмоқда, тинчликни сақлаб қолиш, инсоният боши узра пайдо бўлган ядро уруши хавфининг олдини олиш учун зарур ҳамма чораларни кўрмоқда. Совет хотин-қизлари тинчлик учун курашчиларнинг биринчи сафларида бормоқдалар. Улар социалистик давлатларнинг хотин-қизлари билан, бошқа мамлакатларнинг меҳнаткаш хотин-қизлари билан биргаликда империалистик уруш ловиини ёқувчиларга қатъиян қарши чиқмоқдалар, уларнинг авантюрачилик ниёсатини ғазаб билан қораламоқдалар. Сизларнинг тинчликни ҳимоя қилувчи овозингиз бундан ҳам баландроқ янграйберсин! Планетанинг осмони беғубор бўлсин ва қуёш нур сочиб турaберсин!

Азиз хотин-қизлар!

Шу байрам кунида КПСС Марказий Комитети Сизларга сиҳат-саломатлик, меҳнатда, ўқишда, ижодда, болаларни тарбиялашда янгидан-янги муваффақиятлар тилайди! Сизларга ва оилаларингизга бахт-иқбол ёр бўлсин!

Совет хотин-қизларига шон шарафлар!

Қардош социалистик мамлакатларнинг хотин-қизларига қизғин салом!

Яшасин бутун дунёнинг меҳнаткаш хотин-қизлари!

Ватанимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи мустаҳкамланиб, равнақ топаберсин!

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси ўзининг навбатдаги мажлисида ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советига сайлов якунлари тўғрисидаги ахборотни кўриб чиқди. Сайлов якунлари меҳнаткашлар, совет жамиятининг барча табақалари коммунистлар билан партиясизлар бузилмас блокининг Коммунистик партия сиёсатини, халқнинг хоҳиш-иродаси ва манфаатларини ифода этувчи сайлов платформасини ёппасига қўллаб-қувватлаётганликларининг ёрқин далили эканлиги қайд этиб ўтилди. Ҳамма жойда сайлов меҳнаткашларнинг юксак сиёсий активлиги вазиятида ўтди. Марказда ва жойларда партия, совет, касаба союз, комсомол органлари, кўп миллионли жамоат активи сайловни ташкил этиш борасида катта ва самарали ишларни бажардилар.

Бўлиб ўтган сайлов совет халқининг Коммунистик партия, унинг ленинчи Марказий Комитети теварагида чамбарчас жипслашганлигини яна бир бор яққол намойиш этди. Овоз беришда мамлакат катта йиғилиши — ишлаб чиқариш жамоаси, ҳарбий ҳамкасбларимиз, деҳқонлар, зиёлилар — ҳаммаси иштирок этди. Сайловчилар КПСС ҳамда Совет давлатининг ички ва ташқи сиёсатини яқдиллик билан қизғин маъқуллаб, ватанимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини бундан буён ҳам кучайтиришга, ўзларининг умумхалқ давлати ишларида, социалистик демократияни янада чуқурлаштиришда актив иштирок этишга азму қарор берганликларини билдирдилар. Кўрсатилган номзодларнинг яқдиллик билан сайланганлиги, мамлакатдаги барча миллат ва элатлардан, жамият барча социал группаларидан кенг қўламда вакил бўлган депутатлар составининг ўзи СССР Олий Советининг самарали ишлаши учун, унинг давлат ҳокимияти олий органи сифатидаги кўл қиррали функцияларини бажариш учун қулай шароитлар яратади.

Сиёсий бюро шуни таъкидладики, эндиликда партия сайлов кампанияси, депутатликка номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлари давомида илгари сурган вазифаларни изчиллик билан амалга ошириш биринчи ўринга қўйилиши керак. Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга, уюшқоқлик ва интизомни кучайтиришга, меҳнаткашларнинг ташаббускорлигини ривожлантиришга, совет кишиларининг ошган моддий ва маънавий талаб-эҳтиёжларини қондиришга, сайловчиларнинг наказларини, гражданларнинг таклифлари ва фикр-мулоҳазаларини рўёбга чиқаришга ғоят зўр эътибор бериш зарур. Булар муттасил ва сабот билан бажарилиши лозим. Социалистик демократиянинг — ишлаётган, амалдаги демократиянинг моҳияти мана шундадир.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида партиядаги ҳисобот ва сайловларнинг асосий якунлари ҳамда партия ташкилотларининг КПСС Марказий Комитети Бош секретари К. У. Черненко партия Марказий Комитети 1984 йил февраль Пленумида сўзлаган нутқида, унинг сайловчилар билан учрашувдаги нутқида баён этилган қоидалар ва хулосалар асосидаги вазифалари муҳокама этилди. Ўтган ҳисобот-сайлов кампанияси катта ижтимоий-сиёсий воқеа бўлди. Бу кампания коммунистларнинг юксак даражадаги онглилиги ва активлигини, партиянинг КПСС Марказий Комитети теварагидаги бирлиги ва жипслигини кўрсатди. Ҳисобот сайлов кампанияси КПССнинг 1,6 миллион партия группаси, цех ва бошланғич ташкилотини, 4,6 мингта район, шаҳар, округ, область ва ўлка ташкилотларини қамраб олди. Партия йиғилишлари ва конференциялари коммунистларнинг ғоят талабчанлиги, принципиал ва ўз-ўзини таҳқид вазиятида ўтди. Йиғилиш ва конференцияларда 3 миллиондан кўпроқ фикр-мулоҳаза ва таклиф айтилди. Сайлаб қўйиладиган партия органларининг состави янгиланганлиги, бу составлар янги кучлар билан тўлдирилганлиги ҳисобот сайлов кампаниясининг муҳим якуни бўлди.

Сиёсий бюро шуни уқтириб ўтдики, ҳар бир комитет, ҳар бир партия ташкилоти ҳисобот-сайлов кампанияси якунларидан амалий хулосалар чиқариши, уларни жорий ва перспектив иш планларига асос қилиб олиши, қабул қилинган қарорларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаши лозим. Бунда реал ва салмоқли натижаларга сабот билан эришиш муҳимдир. Партия раҳбар кадрларнинг етуклигига ҳам, меҳнат коллективларининг ишига ҳам, республикалар, областларнинг, халқ хўжалиги барча тармоқларининг ютуқларига ҳам айни ана шу натижаларга қараб баҳо беради.

Маҳаллий партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотлари олдига экономикага раҳбарликни яхшилаш, резервлардан фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини камайтириш борасида конкрет вазифалар қўйилди. Иш натижалари учун корхоналарнинг ҳуқуқларини кенгайтириш ва масъулиятини кучайтириш борасидаги иқтисодий эксперимент боришини ҳар куни назорат этиб туриш, социалистик мусобақа таъсирчанлигини оширишни таъминлаш лозим. Бунда реал ва салмоқли натижаларга сабот билан эришиш муҳимдир. Партия раҳбар кадрларнинг етуклигига ҳам, меҳнат коллективларининг ишига ҳам, республикалар, областларнинг, халқ хўжалиги барча тармоқларининг ютуқларига ҳам айни ана шу натижаларга қараб баҳо беради.

Маҳаллий партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотлари олдига экономикага раҳбарликни яхшилаш, резервлардан фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини камайтириш борасида конкрет вазифалар қўйилди. Иш натижалари учун корхоналарнинг ҳуқуқларини кенгайтириш ва масъулиятини кучайтириш борасидаги иқтисодий эксперимент боришини ҳар куни назорат этиб туриш, социалистик мусобақа таъсирчанлигини оширишни таъминлаш лозим. Бунда реал ва салмоқли натижаларга сабот билан эришиш муҳимдир. Партия раҳбар кадрларнинг етуклигига ҳам, меҳнат коллективларининг ишига ҳам, республикалар, областларнинг, халқ хўжалиги барча тармоқларининг ютуқларига ҳам айни ана шу натижаларга қараб баҳо беради.

Маҳаллий партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотлари олдига экономикага раҳбарликни яхшилаш, резервлардан фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини камайтириш борасида конкрет вазифалар қўйилди. Иш натижалари учун корхоналарнинг ҳуқуқларини кенгайтириш ва масъулиятини кучайтириш борасидаги иқтисодий эксперимент боришини ҳар куни назорат этиб туриш, социалистик мусобақа таъсирчанлигини оширишни таъминлаш, меҳнат ва турмушини яхшилаш масалаларини доимо диққат марказида тутиш, онгли интизомни ҳамма чоралар билан мустаҳкамлаш, ҳар бир коллективда белгиланган тартибнинг ҳар қандай бузилишиларига муросасизлик вазиятини вужудга келтириш таклиф этилди.

Сиёсий бюро идеологик ишни ишлаб чиқариш ва тарбиядаги конкрет вазифаларни ҳал этиш билан маҳкамроқ боғлаш, меҳнат коллективларининг сиёсий-маънавий ҳолати учун раҳбар кадрлар, барча коммунистлар масъулиятини ошириш зарурлигини уқтирди. Партия активи ўқишини яхшилашга, иш услуби ва методларини такомиллаштиришга, бошланғич ташкилотлар жанговарлигини оширишга, коммунистлар ташаббускорлиги ва активлигини ҳамма чоралар билан ривожлантиришга жиддий эътибор берилди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида мамлакат ички ва ташқи сиёсатининг бошқа баъзи масалалари кўриб чиқилди.

ВАТАН ЎЗ ҚИЗЛАРИНИ ШАРАФЛАМОҚДА

МОСКВА

Халқаро хотин-қизлар куни — 8 март бутун дунё меҳнаткаш хотин-қизларининг бирлиги ва бирдамлиги тимсолидир. Коммунизмнинг актив винокорлари, партия XXVI съезди тарихий қарорларини бажаришга чинакам улкан ҳисса қўшаётган совет хотин-қизлари бу кунни баҳор ва меҳнат байрами деб атайдилар.

Бу галги байрамни бутун мамлакат партия билан халқнинг метиндек жипслашуви вазиятида, КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил февраль Пленуми қарорлари юзага келтирган ғайрат-шижоат вазиятида кутиб олмоқда. СССР Олий Советига ўтказилган сайлов социалистик демократиянинг буюк ҳаётий кучини, меҳнаткашлар Коммунистик партия ва унинг Марказий Комитети теварагига маҳкам жипслашганликларини яққол намойиш қилди. Партия билан халқнинг мустаҳкам бирлиги, совет кишиларининг онглилиги, уюшқоқлиги Юрий Владимирович Андропов билан видолашув кунларида яққол намоён бўлди. Совет кишилари партия билан халқнинг қатъий ва изчил равишда Ленин йўлидан бораверишга қилган азму қарорини изҳор этган КПСС Марказий Комитети 1984 йил февраль Пленумининг якунларини яқдиллик билан маъқулладилар.

Совет хотин-қизлари — халқимиз ижодкорлик меҳнатининг тўла ҳуқуқли қатнашчиларидир, мамлакат моддий ва маънавий бойликларининг бунёдкорларидир. Ривожланган социализмни такомиллаштиришнинг кенг миқёсли вазифалари ҳал этилаётган, партия XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумларининг қарорларини бажариш соҳасидаги қизғин ишлар давом этаётган ҳозирги пайтда хотин-қизларнинг роли буюк ва масъулиятлидир. Шаҳар ва қишлоқлардаги меҳнаткаш аёллар партиянинг даъватига жавобан 1984 йил планини ва умуман беш йиллиқни тўла ҳамда ошириб бажариш учун бошланган социалистик мусобақага актив қўшилдилар. Экономиканинг ривожланиш суръатларини жадаллаштириш, фан ва техникани янада тараққий эттириш кўп жиҳатдан хотин-қизларнинг омилкорлигига, куч-ғайратига, истеъдодига, касб-маҳоратига боғлиқ. Советлар мамлакатининг хотин-қизлари социалистик Ватан бахт-саодати йўлида бундан буён ҳам ўз кучлари ва билимларини аямай сарфлай беришларига КПСС Марказий Комитети аминдир.

Коммунистик партия давлат ва жамоат ишларини идора қилишда хотин-қизларга актив қатнашишлари ҳақида ғамхўрлик қилмоқда. Бўлиб ўтган сайловда халқ ўзининг энг яхши қизларини мамлакатнинг қонун чиқарувчи Олий органига сайлади. Депутатларнинг учдан бири хотин-қизлардир. Миллионмиллион хотин-қизлар маҳаллий Советларда, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларида самарали ишламоқдалар, уларнинг кўплари корхоналарга, совхозларга, колхозларга ва муассасаларга бошчилик қилмоқдалар. Мана шуларнинг ҳаммаси совет турмуш тарзи афзалликларининг, социалистик тузумимиз чинакам демократизмининг яққол далилидир.

Биз меҳрибон оналарга чуқур ҳурмат туйғуси билан мурожаат этамиз. Сизлар фарзандларни социалистик Ватаннинг онгли, меҳнатсевар гражданлари қилиб вояга етказаяпсизлар, ёшларни юксак коммунистик идеаллар руҳида тарбиялаяпсизлар. Ёш авлоднинг биринчи мураббиси бўлган бебаҳо, олижаноб меҳнатингиз учун бутун халқ номидан сизларга раҳмат айтамиз!

Совет хотин-қизларининг истиқболга ишончи комил. Капитализм шароитида хотин-қизларга доимий таҳлика солиб турадиган ишсизлик ва бошқа социал кулфатлар сизларга хавф солмайди. Аёллар, болалар, оила тўғрисида ғамхўрлик қилиш — социалистик жамиятнинг қонунидир. Хотин-қизларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилашга оид тадбирлар муттасил амалга оширилмоқда, уй-жой қурилиши кенг миқёсда олиб борилмоқда, болалар боғча ва яслилари, соғлиқни сақлаш муассасалари тармоғи кенгайтирилмоқда. Умумий таълим ва ҳунар мактабининг ислоҳ қилиниши ёш ўринбосарларга таълим ва тарбия бериш, уларни турмушга ва меҳнатга тайёрлаш учун жуда катта аҳамиятга эга бўлади.

Ҳурматли хотин-қизлар!

Планетамиз таҳликали даврни бошдан кечирмоқда. Агрессив империалист доираларнинг айби билан халқаро вазият ғоят кескинлашиб кетди. Мана шундай шароитда Совет Иттифоқи сабр-матонат ва сергаклик кўрсатмоқда, тинчликни сақлаб қолиш, инсоният боши узра пайдо бўлган ядро уруши хавфининг олдини олиш учун зарур ҳамма чораларни кўрмоқда. Совет хотин-қизлари тинчлик учун курашчиларнинг биринчи сафларида бормоқдалар. Улар социалистик давлатларнинг хотин-қизлари билан, бошқа мамлакатларнинг меҳнаткаш хотин-қизлари билан биргаликда империалистик уруш ловиини ёқувчиларга қатъиян қарши чиқмоқдалар, уларнинг авантюрачилик ниёсатини ғазаб билан қораламоқдалар. Сизларнинг тинчликни ҳимоя қилувчи овозингиз бундан ҳам баландроқ янграйберсин! Планетанинг осмони беғубор бўлсин ва қуёш нур сочиб турaберсин!

Азиз хотин-қизлар!

Шу байрам кунида КПСС Марказий Комитети Сизларга сиҳат-саломатлик, меҳнатда, ўқишда, ижодда, болаларни тарбиялашда янгидан-янги муваффақиятлар тилайди! Сизларга ва оилаларингизга бахт-иқбол ёр бўлсин!

Совет хотин-қизларига шон шарафлар!

Қардош социалистик мамлакатларнинг хотин-қизларига қизғин салом!

Яшасин бутун дунёнинг меҳнаткаш хотин-қизлари!

Ватанимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи мустаҳкамланиб, равнақ топаберсин!

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

К. У. ЧЕРНЕНКОГА СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ДЕПУТАТИ ЭТИБ САЙЛАНГАНЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ГУВОҲНОМА ТОПШИРИЛДИ

СССР Олий Советига сайлов Коммунистик партия билан халқ бузилмас бирлигининг, социалистик демократия тантанасининг, совет кишилари Коммунистик партиянинг Ватани янада равнақ топдириш, унинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлашга қаратилган йўлига содиқ эканликларининг янги далили бўлиб қолди.

7 март куни КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Константин Устинович Черненкога ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советига сайланганлик тўғрисида гувоҳнома топширилди.

Гувоҳномани СССР Олий Совети Иттифоқ Советига сайлов ўтказган Куйбишев сайлов округи округ сайлов комиссиясининг раиси Ю. И. Калинин топширди.

Ўртоқ К. У. Черненко СССР Олий Советининг депутати этиб сайланганлик тўғрисидаги гувоҳномани қабул қила туриб, ўзига кўрсатилган катта ишонч учун ҳамда мамлакат давлат ҳокимияти олий органининг депутати этиб сайлаганлари учун партия ва халқ ишига, коммунизм идеалларига садоқат билан хизмат қилиш учун бутун кучимни сарфлайман, деб ишонтирди. Совет кишилари, деди К. У. Черненко, коммунистлар билан партиясизлар блокининг номзодлари учун овоз бериб Коммунистик партиянинг коммунистик бунёдкорлик иши тантанаси йўлидаги ички ва ташқи сиёсатини яқдиллик билан қўллаб қувватладилар.

Гувоҳномани топшириш маросимида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари В. В. Гришин, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси В. В. Прибитков, Москва шаҳар Куйбишев район партия комитетининг биринчи секретари Ю. А. Прокофьев, Куйбишев район ижроия комитетининг раиси Г. Н. Гаврилов ҳозир бўлдилар.

(ТАСС).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИГА САЙЛОВ ЎТКАЗГАН МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ МАЖЛИСИ

7 март куни Москвада, Союзлар уйида Марказий сайлов комиссиясининг якунловчи мажлиси бўлди.

Комиссия раиси Г. М. Марковнинг таклифига биноан ўн биринчи чақириқ СССР Олий Совети Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советининг мандат комиссияларига барча сайлов округлари бўйича тегишли ҳужжатларни топшириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Марказий сайлов комиссиясининг иш ҳужжатларини СССР Олий Совети Президиумига топшириш тўғрисидаги қарор ҳам қабул қилинди.

Г. М. Марков иттифоқдош ва автоном республикалар, автоном областлар ва автоном округлар сайлов комиссияларига, округ ва участка сайлов комиссияларига, СССР Олий Советига сайловга тайёргарлик кўришда ва уни ўтказишда қатнашган барча активларга Марказий сайлов комиссияси номидан миннатдорчилик изҳор қилди.

(ТАСС).

ТОШКЕНТ

Ўзбекистон меҳнаткашлари баҳор, оналик шуҳрати ва бахт-саодат байрами — 8 мартни бутун совет халқи билан биргаликда тантанали равишда нишонламоқдалар. Шу куни барча касб ва ёшдаги кишилар Ватаннинг ажойиб қизларини шарафлайдилар, уларнинг социалистик Ватан олдидаги хизматларига, экономика ва маданиятни ривожлантиришга, партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари тарихий қарорларини рўёбга чиқаришга қўшаётган бебаҳо ҳиссаларига офарин айтадилар.

Ҳалқаро хотин-қизлар кунига бағишлаб 7 март куни Тошкентда тантанали йиғилиш ўтказилди. Алишер Навоий номидаги давлат академик Катта опера ва балет театрининг байрамона безатилган залига ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, Улуғ Ватан урушининг ветеранлари, фан ва маданият арбоблари, Совет Армиясининг жангчилари келишди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ К. У. Черненко бошчилигидаги КПСС ленинчи Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси баланд руҳ билан фахрий президиумга сайланди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. У. Султоновнинг докладида, Октябрь революцияси номидаги Тошкент тепловоз ремонти заводи электр слесарларининг бригадири Н. М. Железновнинг, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмаднинг, 162-мактаб муаллимаси, Қаҳрамон она Қ. Мақсудованинг, В. И. Ленин номидаги Тошкент олий умумқўшин командирлари билим юртининг курсанти Е. М. Лукшонинг нутқларида коммунизм қурилишида актив қатнашаётган совет хотин-қизларининг ҳавас қилса арзийдиган тақдири ҳақида, уларнинг мамлакат ижтимоий турмушидаги, ёш авлоди тарбиялашдаги катта роли тўғрисида гапирилди.

Коммунистик партия билан Совет ҳукумати, деб таъкидлашди нотиқлар, хотин-қизлар ҳақида тинимсиз ғамхўрлик қилмоқдалар, уларнинг истеъдоди, ташкилотчилик қобилиятини намоён қилишлари учун ҳамма зарур шарт-шароитларни яратиб бермоқдалар. СССР Олий Советига сайлов давридa хотин-қизларнинг жамиятдаги юксак мавқеи яна бир бор яққол кўрсатилди. Сайловда мамлакат давлат ҳокимиятининг Олий органига халқ хўжалиги турли тармоқларида меҳнат қилаётган кўпгина хотин-қизлар сайланди.

Социалистик Ватаннинг қизлари бунга жавобан фидокорона меҳнат қилмоқдалар, Ленин партиясига садоқатли хизматларини аямаяптилар. Ўзбекистоннинг юз минглаб ишлаб чиқариш ходималари Ўзбекистон ССР билан Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги шарафига зарбдор вахтада туриб муносиб ишлар қилмоқдалар.

Йиғилишга келган пионерлар ўз оналари, бувилари билан бирга қўшиш учун жуда қулай шарт-шароитлар яратиш борасида катта ишлар қилинмоқда.

Ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида, айниқса, юксак даражада механизациялашган ва автоматлашган тармоқларда хотин-қизларнинг малакали меҳнатидан фойдаланиш чегаралари кенгайиб бормоқда. Қишлоқ хўжалигида ҳам меҳнатнинг сифати ўзгармоқда, бу соҳадаги дипломли мутахассисларнинг учдан бир қисмидан кўпроғи хотин-қизлардир.

Етук социализм шароитида хотин-қизларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш системасини янада такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган масалаларнинг ҳаммасига кенг миқёсда комплекс ёндошиш амалга оширилмоқда. Жамоатчиликнинг ҳам бутун диққат-эътибори шу масалаларга қаратилган. СССР Олий Советидан тортиб маҳаллий ҳокимият органларигача — барча поғоналарда хотин-қизларнинг меҳнати ва турмуши, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалалари билан шуғулланувчи доимий комиссиялар тузилганлиги муҳим тадбир бўлди.

Совет хотин-қизлари Ватаннинг катта ғамхўрлигига чуқур миннатдорчилик билан жавоб бериб, партия сиёсатини амалга ошириш учун кучларини аямаяптилар, ўзларига хос шавкатли меҳнат қилиш, халқ мулкини тежаб тергаб асраш, юксак интизом, уюшқоқлик ва масъулият намуналарини кўрсатмоқдалар.

Мамлакат ўларнинг меҳнатдаги ишларини юксак қадрлайди. Ҳалол меҳнат учун бериладиган давлат мукофотининг учдан бир қисмини хотин-қизлар олмоқдалар. Ватаннинг икки миллионга яқин энг яхши қизлари орден ва медаллар билан мукофотланган. 5 мингдан ортиқ киши Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган, Ленин мукофоти ва СССР Давлат мукофоти лауреатлари бўлган хотин-қизларнинг сони 1000 га яқинлашиб қолди.

Мамлакатимизнинг тинчликсевар ташқи сиёсатини сидқидилдан қўллаб-қувватлаётган совет хотин-қизлари, деди пировардида З. М. Круглова, бу сиёсатни сабот билан амалга оширишга, ўз меҳнати билан совет Ватанининг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлашга азму қарор берганлар.

Москвалик пионерлар тантанали йиғилиш қатнашчиларини байрам билан табрикладилар.

Йиғилиш қатнашчилари КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига, СССР Министрлар Советига табрикнома йўллаб, Москва хотин-қизлари, барча меҳнаткашлари коммунизм идеалларининг тантанаси йўлида куч-қувватларини, ижодий ғайратларини аямайдилар, деб ваъда бердилар.

(ТАСС).

БИЗ—ИККИ МИЛЛИОНМИЗ

Ўзбекистон пойтахтида Халқаро хотин-қизлар куни 8 Март арафасида шонли воқеа юз берди — шаҳарда икки миллионинчи ғўдак туғилди.

Бундан фахрланган ота-оналар қизалоққа Саодат деб исм қўйдилар.

...Абу Али ибн Сино номли биринчи шаҳар клиник касалхонаси туғруқхона бўлимининг озода ва шинам палатаси. Бизлар ёдгон санитария кўригидан ўтгач, палатага киришга рухсат олдик.

Янги туғилган чақалоқнинг онаси Дилбар Дадахонова чеҳрасида табассум. Саодат—оилада иккинчи фарзанд. Тўнғич қиз Ғўзал —икки ёшда.

Ёш оила бахтиёр ва аҳил яшайди. Илҳом «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмасининг катта мастери бўлиб ишлайди. У бундан ўн йил илгари Беруний номли Тошкент политехника институтини тамомлаб, бирлашмага ишга келди.

Дилбарнинг ўзи эса Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик бирлашмасида тикувчи-моторист бўлиб ишлайди. У ҳам ишлаб чиқариш илғори.

— Фарзанднинг дунёга келиши ҳамиша жуда катта қувонч, — деб жилмаяди Дилбар. — Лекин бизнинг оиламиз учун гўё бугун икки миллион мартадан ҳам қувончлироқдир. Чунки Саодат Ўзбекистон ғўзал пойтахтининг икки миллионинчи граждани бўлди. Бизлар унга бекиз Саодат деб ном қўймадик—қизимизнинг истиқболи порлоқ бўлишига аминмиз. Меҳнат аҳли тўғрисида, ҳар бир оила тўғрисида тинимсиз ғамхўрлик қилинаётганлиги учун партия ва ҳукуматдан миннатдормиз.

Икки миллион аҳолиси бўлган дўстлик шаҳри, қуёшли республика пойтахти Тошкентнинг кўркига кўрк қўшилмоқда. Тошкент туғилиш жиҳатдан кўп йилларгача бери мамлакатда олдинги ўринлардан бирини эгаллаб келади. Бу ерда келгусига ишонч билан назар ташлаётган, улуғ Ленин кўрсатиб берган йўлдан бораётган ажойиб кишилар яшаяптилар. Дилбар ва Илҳом Дадахоновлар сингари минг-минглаб меҳнаткашлар КПСС XXVI съезди ўртага қўйган иқтисодий ва социал ривожланиш улуғвор программасини амалга оширмоқдалар.

И. АЛИМОВ,
ЎзТАГ мухбири.

СИЗГА ТАЪЗИМ, СИЗГА ШАРАФ-ШОН!

ОНА ҚЎЛЛАРИ

ПУБЛИЦИСТИКА

ОНА қўллари! Унинг сеҳрнок кучини, яратувчанлик қудратини ҳис этмаган ким бор? Бу меҳрли, оламни яшнатувчи қўллар кимни эркалатмаган, кимни суйиб, опичламаган? Ҳар биримизни кийинтириб, ювинтириб, тарантириб, бошларимизни силаб, узун тунлар бешигимиз билан баравар тебралган шу қўллардир! Юрак каби ором билмай шу қўллар бизга оқ сут бериб, вужудимизга яшаш туйғусини олиб кирган. Ҳар биримизга ҳамдам ва ҳамнафас, қувончу ғамимизга шерик, ҳаётимиз тиргаги бўлган она қўллари шу боисдан ҳам азиз ва табаррукдир.

Ноз-неъматлар шоҳи бўлмиш нонининг ҳар бўлагида она қўлларининг бўйи бор. Ҳовури димоғни қитиқлаб, ажиб ҳислар уйғотувчи табаррук нонни қўлимизга олишимиз ҳамоно, мунис онажонларнинг тонг чоғи хамир қораётган, тандирга ўт қалаётган, шафақдай оловга юзини тутиб нон ёпаётган сиймоси кўз ўнгимизда намоён бўлади. Нонинг увоғини ҳам эҳтиётлаб, кўз қорачўғидай асрашимиз боиси ҳам шундандир балки...

Бу қўллар фақат яхшилик ва эзгу ишлар учун яратилган. Ғараз ва ҳасад, ёвузлик ундан бегона. Ўпкаси тўлиб йиғлаётган гўдакка она қўл чўзиши билан унинг ёшли кўзларида севинч учқунлари порлайди, кулча юзларига ҳам чап берган она қўлларини эъзозламасдан бўладими?..

Айтишларига кўра бир она жангга кетган ўғлининг қайтишига умид боғлаб ерга дон экан. «Шу дон униб чиқса, демакки ўғлим тирик, у жангдан ғолиб қайтади» дея беллари букчайганча челаклаб сув ташиб, эккан донини суғорибди. Аммо уруғ қора харсанг тош остига тушгани учун униб чиқмапти. Ушанда она қаттол тошга мурожаат қилиб, унинг тупроққа айланишини, ўзи эса тош бўлиб қолишга ҳам рози эканлигини айтибди. Она тошга, тош эса юмшоқ тупроққа айланибди. Уруғ — онанинг умиди униб чиқибди ва фарзанди жангдан омон қайтибди. Фарзандим дея яшашдан воз кечган она қўлларини ардоқламасдан бўладими?..

Фарзандлар иқболини дея меҳнатда қорайган, ажин босиб, дағаллашган бу қўллар толиққанда, кучдан қолганда унга кўмаклашиш, онанинг чексиз меҳрига меҳр билан жавоб қайтариш инсон боласининг муқаддас ва шарафли бурчидир. Ҳамиша ҳаёт булоғини очиб берган, ҳаммамизга меҳр чашмасидан оби-ҳаёт бахш этган, қалбларимизни офтоб нурлари каби мунаввар этган мана шу табаррук ва мўътабар қўллардан бир умр қарздормиз. Бу қарзни баҳолайдиган тарози бўлмаса керак. Севимли тожик шоири Мирзо Турсунзода айтгани каби:

Бу қўл муқаддасдир шараф сингари.
Унинг қадри ошар умр ўтган сари.
Бу қўлни қўллагум токи тирикман.
Бу қўлдан қарздордир ҳар бир тирик тан!

Таъзим сизга онажонлар Меҳнаткаш қўлларингиз асло дард кўрмасин!..

Сулаймон ЭРМАТОВ.
Тошкент олий партия мактабининг тингловчиси.

● Тошкентлик Руқия ая Ғафурова бу йил 120 баҳорни қаршиламоқда. У ҳамон тетик, кўнгли завқ-шавққа тўла. Суратда: Руқия ая севимли эвараси билан.

Ф. Қурбонбоев фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

АЁЛЛАРНИ ШАРАФЛАБ

Халқаро хотин-қизлар кунига бағишлаб уюштирилган бу кечага Оржоникидзе районида яшаб меҳнат қилаётган илғор хотин-қизлар таклиф қилинди. Аёлларни шарафлаш маросимини район хотин-қизлар Совети ранси, «Коммунизм тонги» газетасининг бўлим мудири Д. Аюпова очди. У меҳнаткаш аёлларни, меҳрибон оналарни 8-март байрами билан қизғин табриклади.

Йиғилганлар Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги нишонланадиган йилда барча соҳалар бўйича юқори кўрсаткичларга эришиш, меҳнат унумдорлигини планга қўшимча бир процент ошириш ва маҳсулот таннархини ярим процент камайтириш режалари ҳақида суҳбатлашдилар.

Сўнгра илғор жамоатчи аёлларга байрам совғалари топширилди. Мукофотланганлар орасида Оржоникидзе номли совхоз бригада бошлиғи, Октябрь революцияси ордени кавалери Ҳикоят Қосимова, «ВЛКСМ 60 йиллиги» совхозининг бригада бошлиғи Малика Мухторова ва бошқалар бор эди.

Кеча сўнгида ўрта маданият уйининг бадиий ҳаваскорлари концерт қўйиб бердилар.

А. НОСИРОВА.

1986 ЙИЛ ҲИСОБИГА ИШЛАЯПМИЗ

Товоқсой маиший химия фабрикаси Бўстонлиқ районидаги йирик саноат корхоналаридан бири. Фабрика ишлаб чиқариш қуввати йилдан-йилга юксалиб бораяпти. Беш йилликнинг ўтган уч йили мобайнида корхонада пландан ташқари 8 миллион 379 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди.

Фабрика ишчилар синфининг аҳил оиласига аъзо бўлганимга олти йилдан ошди. Коллективимизни бекорга аҳил оилага ўхшатганим йўқ. Иш бошлаган биринчи кунимданоқ атрофимдагиларнинг илиқ нафаслари, кўтаринки кайфият бағишловчи мададкор сўзларидан руҳланиб бордим.

Корхонанинг тажрибали тикувчиларидан бири — Тансиқ Ражабова мураббия сифатида менга касб сирларини эринмай ўргатди. Қўлимга игна кириб, «вой» деб юборган пайтларимда, у меҳр билан бармоқларимни силаб насиҳат қилди.

— Жаҳжигина қизчам, асло шошилма. Бизнинг қўлларимиз ҳам дастлаб сира ишга қовушмаган эди. Маҳорат фурсати билан келади. Энг муҳими, аста бўлсаям, пишиқ-пухта ишла.

Мана, шу сўзларни энди ўзим такрорлаяпман. Ҳозиргача ўн нафардан ошиқ шогирд тайёрладим. Шогирдларим асосан менга ўхшаб ўрта мактабни битириб келаётган қизлардир.

Ажойиб коллективда, соғлом муҳитда меҳнат қилсанг ишинг унумли бўлавераркан. 1981 йили шахсий планимни 132 процентга бажардим. Ўша йили корхонамиз коммунистлари мени КПСС аъзолигига кандидатликка қабул қилишди. Шунда шахсий беш йиллик планимни тўрт йилда бажаришга сўз бердим.

Эртаси куни ишга барвақт келдим-да, тикув машинамни юргизиб юбордим. Вақтдан иложи борича унумлироқ фойдаланишга интилдим. Шуниси қувончлики, кейин менинг бу ташаббусимга 120 нафардан ортиқ тикувчи қизлар қўшилишди. Мусобақа қизғин авж олиб кетди.

Менинг қувончим, айниқса, чексиз, 8 март — хотин-қизлар байрами арафасида зиммамдаги беш йиллик планимни шараф билан бажардим. Дугоналарим Р. Тоғаева, Ш. Ўролбоева, О. Мирсодиқова кабилар ҳам аллақачон ўн иккинчи беш йиллик ҳисобига иш бошлашган. Энг тажрибали тикувчи-мотористкамиз В. Горбенконинг шахсий иш календарида эса 1987 йилнинг февраль ойи.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллиги нишонланадиган кунгача биз дугоналарим билан 1987 йил планини бажаришга аҳд қилганмиз. Мақсадимиз халқимизга кўпроқ кенг истеъмол товарлари етказиб беришдир.

Собира ШОЛПАНҚУЛОВА,
Товоқсой маиший химия фабрикасининг тикувчи-мотористкаси.

ОЛОВҚАЛБ ФОТИМА

Бундан бир неча йил аввал мактабимизга мени излаб бир нуроний отахон кириб келди. Бу киши янги ҳаёт курашчиларидан бири Эски шаҳар комсомол комитетининг 20-йиллардаги энг фаол ходими Неъмат ака Пўлатов эди. Мактабимиз «Қизил изтопарлари» Граждан ва Улуғ Ватан уруши йилларида халқ бахт-саодати йўлида ўз жонларини қурбон қилган қаҳрамонлар, биринчи комсомоллар ҳақида қимматли материаллар, эсдаликлар йиғаётганлиги отахонинг қулоғига етган экан.

— Менинг тенгдошларимни эндиликда Октябрь фарзандлари деб аташади, — деди отахон жилмайиб. — Уларнинг жасоратга тўла ҳаётлари ҳақида эсдалик ёзиш ниятида анча-мунча хужжатлар тўплаб қўйгандим. Айниқса, Фотима Сиддиқованинг кўклам чақинидек ёрқин ва қисқа умри ҳанузгача хотирамдан ўчмайди.

Неъмат ота чуқур хўрсиниб, Фотима ҳақидаги хотирасини эслай бошлади:

— У шаҳар атрофидаги қишлоқларга тез-тез чиқиб турарди. Тошкент Эски шаҳар комсомол комитети ҳузуридаги хотин-қизлар Советининг ранси Фотима Сиддиқова қишлоқдаги дугоналари орасида тарғибот ишларини олиб бориш учун бутун куч-ғайратини сарфлар, озодлик душманларининг макру ҳийлаларига қақшатқич зарба берарди.

Бир куни у Келесдаги Ёнариқ қишлоғига кетганча қайтиб келмади. Фотима ўша куни митингда хотин-қизларни паранжи ташлаб, колхозга кириб меҳнат қилишга даъват этган эди. Унинг даъвати душманларга ёқмади.

Фотиманинг жасади қишлоқ чеккасидаги зовурдан топилди. Янги турмуш душманлари Фотимани вахшиёна қийнаб ўлдирган эдилар...

Неъмат ота намиққан кўзларини артди:

— Фотмадек шижоатли хотин-қизлар халқимизнинг ифтихоридир. Уларнинг қисқагина умри ҳақида достонлар ёзса арзийди. Фотманинг ҳаётини ўрганинглар. У ўрганишга, эъзозлашга сазовор умр кўрган.

Дарҳақиқат, Фотима Сиддиқованинг фожиали ҳаёти Меҳнат Қизил Байроқ орденли 24-ўрта мактаб «Қизил изтопарлари»ни қизиқтириб қолди. Оташин комсомол қиз билан бирга ишлашган, уни таниган кексалар билан учрашувлар ўтказилди. У ҳақдаги ҳужжатлар ва хотиралар матбуот саҳифаларида эълон қилинди. Натижада Фотиманинг қариндош уруғлари топилди. Мактабимиз ўқувчилари тўплаган металлолом ва макулатурадан келган маблағ ҳисобига Ф. Сиддиқова хотирасига ёдгорлик ўрнатилди. Эндиликда у ҳақда қўшиқлар тўқилиб, кинофильмлар яратилган.

Ҳозирги фаровон турмуш учун кўплаб хотин-қизлар жон фидо қилишган. Бахтимиз учун курашганлар хотирасини абадийлаштириш, уларнинг ёрқин ҳаётлари ҳақидаги хотиралар билан ёш авлодни тарбиялаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Х. ИЎЛДОШЕВ,
пенсионер.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

● Областимизда 24 нафар аёл Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган. Ўн биринчи беш йилликнинг ўтган уч йили мобайнида 1532 хотин-қиз Ватанимизнинг орден ва медаллари билан тақдирланди.

● 4 мартда бўлиб ўтган СССР Олий Советига сайловлар кунида Тошкент тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси К. Ёқуббоева, Ангрен шаҳарсозлик бошқармасининг бўёқчиси Ҳ. Норматова, Оққўрғон районидаги «Оққўрғон» совхози пахтачилик бригадасининг бошлиғи К. Аҳмедова, Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинатининг электр пайвандчиси И. Пулиналар ҳукуматимиз олий органи депутатлигига сайландилар. 21 нафар аёл Ўзбекистон ССР Олий Советига, 6421 нафар хотин-қиз область маҳаллий советларига депутатдир.

ҲАЖВ ОЛАЙ ДЕСАНГ

Ҳаж ҳаваскорлиги ҳаваскорлиги, ҳаж ҳаваскорлиги ҳаваскорлиги, ҳаж ҳаваскорлиги ҳаваскорлиги,

ЮРИЙ ГАГАРИН ТУҒИЛГАН КУННИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА

У ҲАЁТНИ СЕВАРДИ

Эсимда. Байконур космодромига жўнаб кетиш олдидан Юра ҳазиллашар, ҳар нарса ҳақида сўзларди-ю, аммо фақат яқин кунлар ичида ўзи нималар қилажагини гапирмасди. Биз ўтмишни эслар, келажак режаларини тузардик.

Қизчаларимиз ҳақида гаплашардик — кичигимиз Галя эндигина бир ойлик бўлганди. Тонг ёришганди-ю, лекин бизнинг гапимиз адо бўлмасди. Дераза олдида тўхтаган машинанинг сигнали суҳбатимизни бўлди.

Шунда тутоқиб кетдим. Суриштириш жоиз эмасди-ю, қандай қилиб оғзимдан чиқиб кетганини билмайман, ундан сўрадим.

— Ким?

— Эҳтимол мендирман, балки бошқа бironтасидир...

— Қачон?

У бир лаҳза тўхтаб, жавоб берди. Бор-йўғи бир дақиқагина ўтгач, деди:

— Ўн тўртинчида.

У фақат мени ҳаяжонланмасин деб шу числони айтганлигини кейин тушундим — Юра ўзи шундай эди!— шунинг учун унинг старт кунини хотиржам кутиб олдим.

Мен 1961 йил 12 апрель кунини одатдагидек бошладим. Бироқ, бирдан эшик тақиллади ва пойгакда қўшни хотин пайдо бўлди:

— Ванюша! Радиони қўй! Юра космосда!

«Жаҳонда биринчи марта»— дейишарди радио орқали, газеталарда, журналларда шундай деб ёзишарди. Ҳамма жойда унинг номини аташарди.

Жаҳонда биринчи марта... Бу сўзлар маънисини кейинкейин тўла тушундим. Номаълум ишлар билан тўқнашув ҳамма вақт муваффақиятли тугавермайди. Одамлар мураккаб ва хавфли тажрибага ҳар қанча пухта тайёргарлик кўрсалар-да, таваккал қилинади, кимдир ана шу таваккалга бориши керак. Унинг парвози худди шундай тажриба бўлганди. Уша вақтда кўп нарсалар номаълум эди. Космосга 108 минутлик парвоз кўпдан-кўп саволларга жавоб бериши лозим эди. Конструкторлар ва олимлар ундан қийинчиликларни яширмаганди-лар. Унинг ўзи ҳам бу қийинчиликларни яхши англарди. «Ахир кимдир бошлаб бериши керак-да»— бу унинг сўзлари эди.

Ана шу бошлаб берилгандан кейин, ҳаммаси амалга ошиб, ўтмиш бўлиб қолганда Юрий худди ўша учиш олдидаги алоҳида кайфият, чамаси, парвознинг ўзидан кам бўлмаган қониқиш берувчи кайфият сира етишмаётганлигини борган сайин кўпроқ ҳис қиладиган бўлиб қолди.

Унга янги космик парвозга тайёрланиш керакми, йўқми деган масала ҳал қилинаётган дамлар Юрий учун қийин, ниҳоятда қийин давр бўлди. Кўплар, умуман кейин у яна учиши керакмиди?— деб сўрашади. Учишга қўймаслик, эҳтиёт қилиш керак эди, дейишади ҳам...

Бироқ Юрийни тушуниш керак. Эҳтиётланиш, ўзини ояш — унинг учун яшамаслик билан баробар эди.

Бизникига тез-тез меҳмонлар йиғилишар, журналистлар ва маданият арбоблари, Юрийнинг дўстлари келишарди. Унинг дўстлари эса доим жуда кўп бўлган. Баъзан тиғиз вақтини у ҳаддан ташқари беҳуда сарфлаб юборяётгандек туюларди. Аслида бундай эмасди, буни энди тушунялмаяпман. Бизнинг сон-саноқсиз меҳмонларимизга қараганда ҳам кўпроқ Юра бундай суҳбатларга зарурат сезарди. Одамлар билан суҳбатлашиш унинг ҳар нарсага қизиқувчан фикру-ўйларини бойитар, катта қувонч бағишларди. Бу учрашувлардан у куч-қувват олар, уларда ўзини синаб кўрар, кўп янгиликларни билиб оларди. Ўйда, дўстлар даврасида, корхоналар клубларида, мактаб ва студентлар аудиторияларидаги мулоқатлар Юрани руҳлантирарди. У аудитория билан тез тил топишиб кетарди, ўткир зеҳнли, топқир эди, ўтирганларни ўз оптимизми билан сеҳрлаб қўярди.

Ю. А. Гагарин Тошкентда. 1961 йил. В. Сироткин фотоси.

Юрий СССРнинг олий мукофотлари, кўпгина давлатларнинг нишонлари билан тақдирланганди. Бироқ, унингча қандайдир ноҳақликдек бўлиб туюлган тўйғу уни доим эзиб келарди: шунчалик кўп бор ёлғиз унга бўлмаётганмикин? «Бир ўзим космосга чиқа олармидим?— дерди у.—Минглаб совет кишилари ракета ва космик кемани бунёд этишда меҳнат қилдилар, бу парвоз — коллектив фикрининг, минглаб ишчилар, инженерлар, олимлар меҳнатининг тантанаси, бу халқимиз шон-шуҳратидир».

Мен уни кўп бор— ҳукумат қабулларида ва қишлоқ кулбаларидаги кичкина стол атрофида, мукофотлар топширилаётган вақтда ва жуда оддий кишилар билан дилдан суҳбатлашувлар чоғида четдан кузатганман. У қандай ажойиб одам эди. Ҳаддан ташқари ўз сўзлари ва хатти-ҳаракатлари, ўзининг бутун юриш-туришини доим назорат қилиб борарди. Шу билан бир вақтда табиийлигича қолар, ўзлигини йўқотмасди.

Ҳар бир сўзни ўйлаб айтиш одати унга ота-онасидан ўтган десам хато қилмаган бўламан. У тарбияланган оила ва анъаналар характерини шакллантирган: инсоний ғуруруни қадрлашни, катталарни ҳурмат қилишни, қўли очиқ дўст бўлишни ўргатган. Онаси —Анна Тимофеевна эса унга сахий қалб бағишлаган. Онасининг гапларига қараганда Юра болалигида ҳам жуда қувноқ бўлган, камдан кам жаҳл қилган ва жанжалларни ёқтирмаган, аксинча ҳазил, кулги билан аччиқланиб қолганларни яраштиришга ҳаракат қилган. Шунинг учун ҳам уни ҳаммалари эркалаб, севишар эди.

Ҳамма ишни ўзи билиб қилишга интилар, айтириб бажаришни ёқтирмасди. Отаоналарига дастёр бўлишга интиларди. Баъзи одамлар меҳнат ҳақида кўпиртириб гапиришни яхши кўришади. Болалари эса гап бошқаю, иш бошқа эканлигини кўриб қолишади. Унинг отаси — Алексей Иванович ўғлига бошқача ўрнак кўрсатарди. Анна Тимофеевна айтганидек, у ҳамма ишни қойилмақом қилиб бажарарди. Уй қуришми, қушларга уя ясашми, ҳаммасини боплари. Юранинг ўйинчоқ самолётлари ҳам кўп вақтгача бузилмасди.

Қизларимиз — Лена ва Галя доим оталарига ўхшашга интилишади. Юра уларни қизиқувчан қизалоқларим дерди. Ҳаддан ташқари банд бўлишига қарамай у қизлари билан ўйнашга вақт топар, китоблар, ўйинчоқлар ҳақида гапириб берар, уларнинг ишлари: ҳатти-ҳаракатларини кузатар, хатоларини айтиб турарди. Юрадаги пухта билишга интилиш, қатъият қизларига кўп жиҳатдан ўтган. Лена Москва университетининг тарих факультетини муваффаниятли тугаллади. Галя эса Плеханов номидаги халқ хўжалиги институтини тугатди. Ҳозир иккаловлари аспирантдирлар. Уларнинг меҳнатсеварлиги ва қатъиятини Юра кўрганда қанчалар севинарди!

...Мен у билан кўпгина мамлакатларда бирга бўлганман. Бизни ҳамма жойда меҳр-муҳаббат, эътибор, ғамхўрлик билан қуршаб олишарди. Бироқ, учинчи-тўртинчи куниёқ Юра «Бизнинг Звезднийда нималар бўлаётганикин?» деб сўрарди. Шаҳарча у вақтда энди-энди қурилаётганди. Юрий эса унинг келажагини орзу қилар, хизматчилар территорияси, турар-жой районлари, атрофдаги ўрмонлар ва кўллар бир-бирига уйғунлашиб кетган комплексни вужудга келтиришини ўйларди. 1968 йил 27 мартда самолётда машқ учиши Юранинг фожиали ҳалокати билан тугайди ва Звездний шаҳарчасидаги бош майдонда ҳамма шамолларга қарши турган бронзадан ясалган Юрий унга биринчи ёдгорлик бўлиб қолади деб ким ўйлабди, дейсиз.

Валентина ГАГАРИНА.
(АПН)

БИРИНЧИ КОСМОНАВТ ШАРАФИГА

СССР Космонавтика федерацияси биринчи космонавт туғилган куннинг 50 йиллигини нишонлаш юзасидан Ю. А. Гагарин номидаги юбилей медалини таъсис этди. Бу медаль билан ракета-космик техникани яратувчи, космонавтлар тайёрлашда, космик аппаратларни синаб кўриб ва учиришда қатнашувчи олимлар, конструкторлар, инженерлар, космонавтлар ва бошқа мутахассислар мукофотланади.

Медаль космонавтикани ривожлантиришдаги, космосда халқаро илмий ҳамкорлик ишидаги катта хизматлари учун чет давлатларнинг гражданларига ҳам берилиши мумкин. Юбилей медали билан космонавтика ютуқларини пропаганда қилишга катта ҳисса қўшаётган ёзувчилар ва журналистлар ҳам тақдирланади. Медаллар ҳар йили Юрий Гагарин туғилган кун — 9 мартда, Космонавтика куни — 12 апрелда, шунингдек космик тадқиқотлар билан шуғулланаётган олимлар ва мутахассисларнинг халқаро анжуманларида топширилади.

(ТАСС мухбири).

ДАЛАЛАРДАН ДАРАКЛАР

● УСТА ДЕҲҚОНЛАР «Маҳаллий ўғит—ернинг хамиртуруши», дейишади. Ҳақиқатан ҳам маҳаллий ўғит кўп солинган ер серунум бўлади, нам ҳам узоқ сақланади. Буни яхши тушунган Тошкент районидаги Абдураҳмонов номли совхоз деҳқонлари далаларни маҳаллий ўғитга тўйдиришга астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Совхозда далаларга органик ўғит ташиб чиқиш билан шуғулланадиган махсус бригада тузилган. Далабой Баҳромов раҳбарлик қилаётган бу коллектив ҳар куни дала бошларига 90—100 тоннадан ғўғ ташиб чиқармоқда. Али Қораев, Маъмур Азимов, Баҳодир Мирражабов каби механизаторлар кунлик норматни бир-ярим ҳиссадан ошириб бажаришмоқда.

Т. ЖУРАЕВ.

● БУСТОНЛИҚ районидаги «Ленинград» колхози сабзавотқорлари 1984 йил ҳосили учун пухта замин ҳозирламоқдалар. Айниқса, парник хўжалигида иш қизғин.

Эртаки қарам ва помидор кўчатлари етиштириш учун ажратилган ерларни уруғ сепишга тайёрлашга барвақт киришилган эди. Ҳозир дастлабки сепилган карам уруғлари тўла ва текис униб чиқиб, кўчатлар дуркун ривожланмоқда.

Далачилик бригадалари ўзлари учун сархил кўчатлар етиштириш учун астойдил киришганлар. Улар ўртасида социалистик мусобақа авж олган. Ш. Хусанов, Т. Қалимбетовлар раҳбарлик қилаётган бригада коллективлари меҳнат беллашувида пешқадамлик қилмоқдалар. Бу бригадаларда далаларга органик ўғит ташиб чиқариш ҳам жадал суръатларда олиб борилмоқда.

М. МИРСУЛТОНОВ.

● КОММУНИСТИК районидаги «Ленинский путь» колхозининг Тожиқул Холиқулов етакчилик қилаётган 12-бригадаси заршунослари ўтган йили мавжуд 109 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 43 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олишган эди. Бригада аъзолари бу йил 50 центнерлик марра учун курашишмоқчи.

Бригадада мавжуд экин ерлари сифатли шудгорланди. Ҳар гектар ерга 15—20 тоннадан маҳаллий ўғит солинди. Ер текислаш ишлари ҳам бошлаб юборилди. Ариқзовурлар тозаланяпти. Бу ишларни бажаришда Сотиболди Мусеркепов ва Асомиддин Муталовлар ҳамкасбларига ўрнак бўлишмоқда.

О. ЮНУСОВА.

УНГА РАҲМАТ ДЕЙИШДИ

— —Алло, алло, фабриканинг ўт ўчириш пунктими? —трубкадан кимнингдир шошиб айтган сўзлари эшитилди.

—Ҳа, сизни навбатчи Асанов эшитяпти...

—Сизни Фрунзе қишлоқ Советидан безовта қилаяпмиз, —сўзида давом этди телефондаги киши. — Гагарин номли совхоз идораси яқинидаги хонадон ёнаяпти. Ёрдамингизга муҳтожмиз.

Эдем Асанов қўнғироқ қилувчига ҳозир етиб бораман, дея трубкани илди.

Калинин районидаги «Ўзбекистон» паррандачилик фабрикаси ўт ўчирувчилар группаси бошлиғи ҳисобдан адашмаган эди. У жуда қисқа фурсатда фалокат рўй берган жойга етиб келди. Тезда машинани қулай ерга тўхтатди-да, чаққон ҳаракатлар билан шланкни ёйди. Кранни очиб, кучли босим билан отилиб чиқаётган сувни алангага тўғирлади...

Кўп ўтмай, ёнғинни бартараф этиш учун район ўт ўчириш командаси аъзолари ҳам етиб келишди. Бироқ, бу вақтда асосий хавф бартараф этилган эди. Уйнинг айрим ерларидангина енгил бўғ аралаш тутун ҳавога кўтарилмоқда эди. Ўт ўчирувчилар дарҳол ишга киришишди. Улар ана шу жойларни синчиклаб текшириб, қайта ёнмаслиги чораларини кўришди. Ҳозиргина ҳеч қаёққа қарамай, қўлларидаги турли идишларда ариқ ва водопроводдан сув ташиган уй эгалари, кўни-қўшилар энди бироз тин олиб, Эдем акага миннатдорчилик билдиришди.

... Мана саккиз йилдирки, Э. Асанов шу фабрикада ўт ўчирувчилар группаси бошлиғи бўлиб ишлаб келмоқда. Ана шу йиллар мобайнида у юқорида баён этилган кўнгилсиз воқеа сингари ўнга яқин фабрикадан ташқаридаги ўт ўчиришларда қатнашди. Оғир пайтларда ён-атрофидаги кишилардан беминнат ёрдамини аямади.

Фабриканинг ўзида эса Э. Асанов ёрдамчилари Қ. Муздабоев, С. Муслиддинов, А. Лифановлар билан бирга ёнғин келиб чиқишига қарши турли тадбирларни амалга оширишяпти. Улар Чирчиқ шаҳрида ўт ўчирувчилар курсини тугатишган. Тез-тез фабрика ишчи-хизматчилари ўртасида ёнғиннинг олдини олиш борасида суҳбатлар ўтказишади. Шунинг учун бўлса керак, ҳали бирон марта бу ерда кўнгилсиз ҳодиса содир бўлгани йўқ. Бундан ташқари, ўт ўчирувчилар ўзларига биркитилган «ГАЗ-66» маркали махсус машинани ҳам ўн бир йилдан буён бенуқсон ишлатиб келишмоқда. Бунга машинани ўз вақтида техник кўрикдан ўтказиб туришлари, айрим носоз жойларини зудлик билан ремонт қилишлари туфайли эришишмоқда.

—Эдем Асанов ветеран ишчиларимиздан, — дейди фабрика директори Зокир Хўжаев.

Ҳақиқатан ҳам шундай. Бу кишининг фабрикада иш бошлаганига йигирма олти йилдан ошди. Шу йиллар мобайнида у ўзига топширилган ҳар қандай вазифани бекаму-кўст бажарганлиги, биркитилган автомашиналарни бенуқсон бошқариб, улардан самарали фойдаланганлиги туфайли кўпчиликнинг эътиборига тушди.

Унинг фарзандлари Эскендер, Сеидамед, Энвер ва Серверлар ҳам ота изидан бориб, фабрикада шофер бўлиб ишлашмоқда. Улар ҳам кунлик нормаларини ўз вақтида, бенуқсон бажариш борасида бошқаларга ўрнак бўлишяпти.

Оталаридек илғор бўлишга астойдил ҳаракат қилаётган тўрт ака-ука ўзларига тўғри касб танлаганликларини дилдан ҳис қилишмоқда. Меҳнатлари туфайли коллективда обрў-эътибор топишмоқда. Ана шундай фарзандларни вояга етказганлиги учун Эдем Асановга ҳам барча раҳмат айтяпти.

Қ. КАРИМОВ.

ҚИШЛОҒИМИЗ КИШИЛАРИ

Суратда: Эдом Асанов ўғиллари билан. В. Портнов фотоси.

ЧЕТ ЭЛ ХАБАРЛАРИ

ТУРКИЯДА ТАСС ФОТОВИСТАВКАСИ

АНҚАРА. 6 март. ТАСС мухбири Александр Челишев хабар қилади: «Совет Ўрта Осиёси» деб аталган ТАСС фотовиставкасининг очилиши Туркия пойтахти маданий ҳаётида ёрқин воқеа бўлди. Экспозиция Анқарадаги маданият уюшмасининг кўргазмалар залида очилди. Бу уюшма ўз сафларида Туркия ижодкор зиёлилари намояндаларидан ва мингдан кўп кишини бирлаштирган. Кўплаб рангбаранг фотосуратлар томошабинларни совет Ўрта Осиё республикалари экономика, фан, маданият соҳасида эришган ютуқлари билан таништиради. Виставканинг Ўрта Осиё халқлари тарихи, архитектураси ёдгорликлари ва бой миллий анъаналарига бағишланган бўлими анқараликларда зўр қизиқиш уйғотди.

Бундай фотовиставкалар Совет ва Туркия халқлари ўртасида ўзаро ҳамжиҳатликни ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқда, деди экспозиция очилишида уюшма раиси А. Чечен.

СОВЕТ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИНИНГ СОБИҚ ТАЛАБАСИ

БРАЗЗАВИЛЬ, 6 март. ТАСС мухбири К. Стржижовский хабар беради: пойтахтдаги «Бланш гомез» туғруқхонасининг терапевт врачи Альбертина Молонго беморларни хушнудлик билан кутиб олади. Мен Москвадаги 1-медицина институтини тамомлаганимдан кейин, деб ҳикоя қилади у, Ватанимга қайтиб, мана шу туғруқхонага ишга келдим. Бу ердагиларнинг кўпи аёллар ҳам врач бўлиши мумкинми, деб ажабланарди. Мамлакат мустақилликка эришгўнга қадар бу касб хотин-қизлар учун эришиб бўлмайдиган касб эди. Конголик эркаклар орасида эса атиги 6 нафар врач бор эди.

Конго меҳнат партияси хотин-қизларни КХРда социалистик жамият қуриш жараёнига жалб этишга қаратилган изчил йўл ўтказмоқда, дейди А. Молонго. 1965 йилда ташкил этилган Конго хотин-қизлари революцион иттифоқи бу борада катта роль ўйнамоқда. Иттифоқнинг бўлимлари «Фақат кураш озод қилади» деган умумий шиор остида бутун мамлакатда, жумладан, «Бланш гомез» туғруқхонасида иш олиб бормоқда. Иттифоқ активлари хотин-қизларнинг ғоявий-сиёсий ва меҳнат тарбиясига, маданий савиясини оширишга ҳисса қўшмоқдалар. Ўтган йиллар мобайнида халқ Конгоси хотин-қизлари ҳаётида кўпгина ўзгаришлар содир бўлди. Бугунги кунда улар ишлаб чиқариш соҳасида муҳим лавозимларни эгаллаб турибдилар, давлат аппаратида кўп вакиллари бор, социал-иқтисодий ўзгартишларни амалга оширишда актив иштирок этмоқдалар.

Мен 8 март арафасида, дейди А. Молонго, ўзимни фикран советлар мамлакатида тасаввур қилиб, Совет Иттифоқидаги барча дугоналаримга, бутун ер юзидаги оналарга бошлари узра тинч осмон бўлишини ва бахт-саодат тилайман.

ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ АРАФАСИДА

● КОБУЛ. Халқаро хотин-қизлар куни — 8 март арафасида Афғонистон пойтахтида меҳнаткашларнинг оммавий йиғилишлари ва митинглари бўлиб ўтди. Байрамга тайёргарлик давомида, деб ёзади Бахтар агентлиги, Афғонистон хотин-қизлар демократик ташкилотининг ташаббуси билан мамлакатнинг турли вилоятларида, муассасаларда, мактабларда, касалхоналарда ва истиқомат жойларида мана шу ташкилотнинг янги кенгашлари тузилмоқда, саводсизликни тугатиш курслари ташкил қилинмоқда. Жамоатчилик намояндалари митингларда сўзга чиқиб, Афғонистонда янги жамият барпо этишда хотин-қизларнинг роли ўсиб бораётганлигини, тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш учун курашда ер юзидаги хотин-қизларнинг халқаро бирдамлиги катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидламоқдалар.

● ГАВАНА. Куба хотин-қизлари социалистик қурилишнинг ҳамма соҳаларида катта ва самарали иш олиб бормоқдалар. Озодлик ороли халқ хўжалигида банд бўлган меҳнаткаш хотин-қизларнинг улуши кейинги ўн йилнинг ўзидагина 25 процентдан 40 процентга кўпайди. Улар ҳозирги вақтда дипломли мутахассисларнинг ярмидан кўпроғини ташкил этадилар. Куба меҳнат ва социал таъминот давлат комитетининг маълумотларига кўра, жамоат ташкилотлари ва давлат муассасалари раҳбар ходимларининг ҳар бешидан бири хотин-қиздир.

Бу маълумотлар хотин-қизларни мамлакатнинг иқтисодий-сиёсий ва жамоат ҳаётига актив жалб этиш борасида Куба революцияси катта муваффақиятларга эришганлигини яққол кўрсатиб турибди. Ҳозир ўз сафида 2,5 миллиондан кўпроқ аъзони бирлаштирган Куба хотин-қизлар федерацияси раҳбарлигида социалистик қурилишда Куба меҳнаткаш хотин-қизларининг ролини янада ошириш юзасидан умумдавлат программаси муваффақиятли равишда рўёбга чиқарилмоқда.

● ЖЕНЕВА. Шу кунларда Швейцариянинг Лозанна шаҳрида «Вокантонида хотин-қизлар сайлов ҳуқуқининг 25 йиллиги» мавзуидаги кўргазма намойиш қилинмоқда. 1959 йилда мамлакатнинг икки кантониво ва Невшатель кантонлари Швейцарияда биринчи бўлиб хотин-қизларга овоз бериш ҳуқуқини берган эди. Швейцариялик хотин-қизлар умуммиллий сайловда ва референдумларда қатнашишга 1971 йилдагина қўйилган эди. Оилада, маориф соҳасида, ишлаб чиқаришда ва бир қанча бошқа соҳаларда хотин-қизларнинг эркаклар билан баббаравар ҳуқуқлари белгиланган конституцияга тузатиш фақат 10 йилдан кейингина қабул қилинди.

Шунга қарамай, ишга ҳақ тўлашда ва ишга қабул қилишда, маориф ва социал таъминот соҳасида мамлакатда хотин-қизларни камситиш давом этмоқда. «Эркаклар имтиёзлардан фойдаланаётган соҳаларнинг катта рўйхатини тузиш мумкин, хотин-қизларга эса бу соҳаларда имтиёз берилмаяпти», — деб ёзади шу муносабат билан Женевада чиқадиган «Курье» газетаси.

● ЛУАНДА. МПЛА — меҳнат партияси марказий комитетининг аъзоси, Ангола хотин-қизлар ташкилотининг бош секретари Рут Нето хоним ТАСС мухбири билан суҳбатда бундай деди: Ангола хотин-қизлари Африка хотин-қизларининг озодлик ва мустақиллик учун олиб бораётган кураши билан доимо бирдам бўлганликлари учун ўз совет дугоналаридан миннатдордирлар. СССР ва Ангола Халқ Республикаси хотин-қизлар ташкилотлари ўртасидаги муносабатлар муваффақиятли ва самарали ривожланмоқда. Ангола хотин-қизлари Африкада ва бутун дунёда тинчлик, адолат ва социал тараққиёт учун бундан буён ҳам зўр қатъият билан изчил кураш олиб бораверадилар.

(ТАСС).

ОЛДИНГИ САФЛАРДА

● МАПУТУ. Мозамбик Халқ Республикаси хотин-қизлари, деди бу ерда Мозамбик хотин-қизлар ташкилотининг бош секретари Саломе Мойане, бошқа мамлакатларнинг миллион-миллион хотин-қизлари билан биргаликда халқлар озодлиги ва мустақиллиги учун, империализмнинг ҳукмронлигига қарши курашаётган кишиларнинг олдинги сафларида бормоқдалар. Бу йил МХРда 8 мартни байрам қилиш ФРЕЛИМО партияси IV съездининг қарорлари белгиси остида ўтмоқда. Съезд Мозамбик хотин-қизларини тўла озодликка чиқариш йўлини белгилаб берди. Мозамбик меҳнаткаш хотин-қизлари эркаклар ва бутун халқ билан бир сафда туриб ирқчи ЖАР ва жаҳон империализми режаларини барбод этишга қатъий аҳд қилишган. (ТАСС).

ҲУКУМАТ ИСТЕЪФО БЕРДИ

ДАМАШҚ. 7 март. (ТАСС). Сурия Бош министри Абдул Рауф Қосим мамлакат ҳукумати истеъфо берганлигини айтди. САНО агентлигининг хабар беришича, Сурия президенти Ҳафиз Асад кабинетнинг истеъфосини қабул қилиб, А. Р. Қосимга мамлакатнинг янги ҳукуматини тузишни топширган.

Министрлар кабинетининг истеъфо бериши ҳақидаги қарор Араб социалистик уйғониш партияси регионал раҳбарлигининг бир неча кун илгари бўлиб ўтган мажлисида қабул қилинган эди, деб уқтирилади ҳабарда.

● Исроил авиацияси Ливаннинг тоғли районларини бомбардимон қилишни давом эттирмоқда. Бунинг оқибатида кўпгина аҳоли пунктлари вайронага айланяпти. Мамлакат пойтахтида ҳам кўп йиллардан бери давом этаётган ўзаро тўқнашишлар натижасида турар-жойларга жиддий шикаст етказилган.

Суратда: шу кунларда Байрут кўчаларида.

ТАСС фотохроникаси.

ИСРОИЛ ҲАРБИЙЛАРИНИНГ ВАҲШИЙЛИГИ

БАЙРУТ. (ТАСС). Исроил ҳарбийлари Ливанда яна бир ваҳшиёна ҳуруж қилдилар. Бугун эрталаб Исроил ҳарбий ҳаво кучларининг самолётлари тоғли Ливандаги тинч аҳоли пунктларига ва Бхамдун шаҳри районида миллий ватанпарвар кучларнинг позицияларига ракеталар ёғдириб, уларни бомбардимон қилдилар. Исроил агрессорларининг навбатдаги қароқчилик ҳуружи одамларнинг қурбон бўлишига олиб келди, катта моддий зиён етказди.

Ливан пойтахтида бир-бирига душман гуруҳлар ўртасида ўт очишни тўхтатиш тўғрисида битимга эришиш мақсадида мулоқотлар қилинмоқда. Аммо шаҳарнинг бир қанча районларида ўқ-тин-ўқтин отишмалар бўлиб турибди.

Ливан Швейцарияга расмий равишда мурожаат қилиб, миллий яраш конференциясининг иккинчи босқичини уюштиришда кўмаклашишни илтимос этганлиги Байрутда эълон қилинди. Конференцияни келгуси ҳафта Женевада ўтказиш таъмин қилинмоқда.

Ливан ватанпарварлари Исроил босқинчилари босиб олган территорияда уларга зарба беришни кучайтирмоқдалар. Партизанларнинг бир группаси Қорун кўли районида жойлашган Баалун қишлоғи яқинида ҳарбий соқчиларга қарши муваффақиятли операция ўтказди.

Ливан ватанпарварлари ўтган кунлар мобайнида ўтказган тўрт операция натижасида Исроил босқинчилари ўлдирилган ва ярадор бўлганлар билан жами 15 кишидан маҳрум бўлдилар. Бекаа водийсининг ғарбий қисмида партизанлар кўмиб қўйган минада Исроил бронетранспортери портлаб кетди. Ватанпарварлар жанубий Ливандаги энг йирик шаҳар — Сайдада агрессорларнинг ҳарбий постларига бир неча марта ҳужум қилдилар.

Ливанда қаршилик кўрсатаётган жангчиларнинг дадил ҳаракатларига жавобан Исроил қўмондонлиги ялпи тинтув ўтказиб одамларни қамоққа олди, Сайдада денгиз портини ёпиб қўйиш тўғрисида буйруқ берди.

Бу ерга келган Франция ташқи муносабатлар министри К. Шейсон Ливан президенти А. Жмайел билан музокаралар олиб борди. Бу музокаралар «кўп миллатли кучлар» деб аталмиш кучлар составидаги француз қисмларини мамлакатдан олиб чиқиб кетишга тааллуқли бўлди. Бу кучлар энди йўқ, деб уқтирди К. Шейсон.

ДАМАШҚ. (ТАСС). Сурия Америка империализми билан агентларининг ҳар қандай фитналарига қарши курашни давом эттираберади. Бу гап аввало муқаррар барбод бўладиган Кэмп-Дэвид битимларига тааллуқлидир. Араб социалистик уйғониш партияси бош секретарининг ўринбосари М. З. Машарика бу ерда ана шуларни айтди.

ШОИРА ҚИЗЛАРИМИЗ ДИЛ ДАФТАРИДАН

ПАРВОНАНГИЗ БЎЛУРМАН

Юрагимда порлаган ягона қуёшимсиз,
Ганҳолигингизданму, қупларга талошимсиз,
Анчагина қайсарим, гарчанд баҳри тошимсиз.
Минг айланиб, ўргулиб суйиб ичар ошимсиз,
Ишириб нима қилдим, муштоқингиз эрурман.

Сирим ошкор айласам тилим куяр бир умр,
Йўқ эса андишадин дилим куяр бир умр,
Изингизга тушалган гулим куяр бир умр,
Не балоким, бору йўғим куяр бир умр,
Ишириб нима қилдим, муштоқингиз эрурман.

Сиз эса ўзингизни бепарвороқ тутарсиз,
Бир кунмас бир кун келиб иқроримни кутарсиз,
Мени кўрди дегунча мағрур, сино ўтарсиз.
Аросат йўл истаманг, ютқазар ё ютарсиз,
Ишириб нима қилдим, муштоқингиз эрурман.

Кўз юмсам тушларимдан излагайман мен Сизни.
Ўзни сенлаб ҳамиша сизлагайман мен Сизни.
Ихтиёрингизни ошириб сузлагайман мен Сизни.
Ишириб нима қилдим, муштоқингиз эрурман.
Токи ҳаёт эканман, парвонангиз бўлурман.

Ким деди уни жайрон ва аллаким мўъжиза.
Парилар авлодидан дегувчилар, ҳам бўлди.
Таърифи-тавсифларнинг кети узилмас сира.
Солланиб кўк тоқидан қуёшпайкар кўринди.
Ҳайрат билан термулиб турган эрига боқиб
Хатар сезган оҳудай сергакланди келинчак.
Қайнона дер келиннинг кифтига енгил қоқиб.
Кўз қарашга берилган, бўлманг пошша куюнчак.
Мусиқа парвозланар кенгликларга чирмашиб.

ТАБАССУМ УЛАШИБ

Ҳаприқаётган дилга қўшилишиб қувнар кўз,
Ҳар юракка ўт қалаб, ним табассум улашиб,
Минг бир ишва ноз билан хиром айлар Дилафрўз.

ТОШКЕНТ БИЛАН СУҲБАТ

Қадимда уч ҳунарманд
Ака-ука яшабди.
Тирикчилик важидан
Гилам тўқиб боошлабди.
Тайёр бўлган гиламни
Саройга элтибдилар.
Хон пойига бош уриб,
Марҳамат кутибдилар...
...Тасвирда битилганмиш
Кўркам шаҳар нур билан,
Оймома суҳбат қурар
Юлдузлари — дур билан.
Қопланибди еру кўк.

Анвои хуш гулларга.
Роз айтиоди жилғалар.
Райҳону сунбулларга.
Ҳамма ўртоқ, биродар
Бой, камбағал йўқ эмиш.
Турмушлари бутланган.
Қорнилари тўқ эмиш.
Одамлар ҳур меҳнатдан
Бахт топиб толмабдилар.
Шаҳарларини эса
Қуёш деб номлабдилар...
Ушбу афсона бот-бот
Тушади ҳаёлимга.

Боқарканман бугунинг,
Эртанг, истиқболингга.
Икки минг йил илгари.
Балки меҳнаткаш омма.
Сени орзулагандир
Уч ҳунарманд сингари.
Эртакларда туғилиб.
Курашларда тобланган.
Зулмат аро ниш уриб,
Коммунага боғланган.

Ҳамишалик навқирон
Шарқимизнинг Бош шаҳри!
Дўстликдан бунёд бўлган
Иқбол ва Қуёш шаҳри!

Гулчеҳра ИЎЛДОШЕВА.

ҚАЛБИНГГА ЯШИР

Дугона, шамолга айтма сирингни,
Унинг ҳар дарчадан утишлиги бор.
Кўринган кимсадан суюнчи сўраб,
Бир зумда ошкора этишлиги бор.

Дугона, тоғларга айтма сирингни,
Тоғлар сукутига ишонма зинҳор.
Унинг жим эшитиб, сўнгра жаҳонга
Акс-садо ила жар солишлиги бор.

Содиқ ҳамроҳ, дейди ойни одамлар,
Бунга қилмасман мен зарра эътироз.
Аммо атрофида кўз қисиб турган
Шаддод юлдузлардан қўрқаман бироз.

Йўқ сени қистамам, менга айт дея,
Ўзимнинг пинҳона сирларим кўпдир.
Ишириб қўйганман қалбим тубига,
Ундан ишончлироқ бошқа жой йўқдир.

Ҳа, сирдош ахтариб юрма, яхшиси,
Чексиз кенгликларга айлагин парвоз.
Ўзи билиб чиқсин сўзи чин бўлса
Қалбинг денгизига шўнғиган шоввоз.

Зарифа ЭРАЛИЕВА.

БУГУН — «ЎЗБЕКФИЛЬМ»ДА

«НАБИРАМИЗ МИЛИЦИЯДА ИШЛАЙДИ»

Комил Ёрматов номидаги «Ўзбекфильм» киностудияси режиссёри Қамара Камолова «Набирамиз милицияда ишлайди» фильмини тайёрлади.

Фильм воқеалари шу кунларда Тошкентда бўлиб ўтади. Унинг бош қаҳрамони ёш милиция ходими Элёр. Биз у билан навбатчилик қилаётган вақтида танишамиз. Қўшниларнинг қўнғироғига кўра бир группа милиционерлар жанжалкаш мастнинг уйига боришади. Мастнинг хотини эрини қамамасликларини ёлвориб илтимос қилади. Элёр бунга кўнади, бироқ унинг бу кўнгилчанлиги фожеага олиб келади. Озодликда қолган жиноятчи Элёрнинг энг яқин дўстини ва ҳамкасби Григорийни ўлдиради.

Дўстининг ўлими Элёрга қаттиқ таъсир қилади. Шу билан бирга бу воқеа ёш ходим учун аянчли дарс бўлади. Энди у ҳар қандай қонунбузарга қарши шафқатсиз кураш олиб бориш кераклигини тушуниб етади.

Фильм сценарийсини режиссёр Қамара Камолова Дина Рубина билан ҳамкорликда ёзган. Картинани оператор Гасан Тутунов суратга олди. Рассом Эмонуэль Қалантаров, Элёр ролида Островский номидаги театр ва рассомчилик институти 5-курс талабаси Улуғбек Комилов чиққан. Бундан ташқари картинада Бакен Кидикеева, Рамзес Жабранлов, Андрей Градов, Дилором Қамбарова каби актёрлар ҳам иштирок этишган.

Суратда: фильмдан кадр.

БАЙРАМ ҲАЗИЛЛАРИ

— Бу либос сизга бирам ярашибдики, келинг, март ойи ўтгунча ечмай қўяқолинг?!

Бугун ичмаш урнига сизга гул олдим...
— Сартарошхонага кириб қўяқолмабсиз-да...

— Бугун фақат мен гапираман. Меҳмонларга, «тишим оғрияпти!» денг.

— Совғани қайси биринга берсам экан-а?!

А. Ҳолиқов расмлари.

БИЛДИРИШ

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» редакцияси ҳузуридаги ишчи мухбирлар университетининг навбатдаги машғулоти 9 март куни ўтказилади.

Редактор Н. НАСИМОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

9 МАРТ СОАТ 19.30 ДА

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва Қорақалпоғистон АССР халқ артисти

Гулшод ОТАБОЕВАнинг

ИЖОДИЙ КЕЧАСИ ҚАТНАШАДИЛАР:

Бутуниттифоқ профессионал бадиий коллективлар кўриги-конкурси ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати

ЎЗБЕК АШУЛА ВА РАҚС «ШОДЛИК» АНСАМБЛИ

«ШОДЛИК» ансамблининг бадиий раҳбари ва бош балетмейстери — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Қодир МЎМИНОВ.
Музика раҳбари — Исматулла РАҲМАТУЛЛАЕВ.
Программани — Ўткир СИДДИҚОВ олиб боради.

«ЮБИЛЕЙ» МАРКАЗИЙ СПОРТ ЗАЛИДА

«А» КЛАССИНИНГ БИРИНЧИ ЛИГА КОМАНДАЛАРИ ЎРТАСИДА

ХОККЕЙ

10, 11 МАРТДА

«БИНОКОР» (Тошкент) — «ДИНАМО» (Минск)
Ўйинлар шанба ва якшанба кунлари соат 17.00 да, иш кунлари соат 18.30 да бошланади.

БИЛЕТЛАР «ЮБИЛЕЙ» МАРКАЗИЙ СПОРТ ЗАЛИ КАССАЛАРИДА СОТИЛМОҚДА.
46-03-12, 46-70-31, 46-07-53, 46-68-77 телефонлари бўйича справкалар олиш мумкин.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЯШОВЧИЛАР ВА ПОЙТАХТ МЕҲМОНЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

РЕСПУБЛИКА ШАҲАРЛАРАРО ТЕЛЕФОН СТАНЦИЯСИ

ШАҲАРЛАРАРО ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР ЭЪТИБОРИ УЧУН

СССР Алоқа министрлиги тасдиқлаган янги «шаҳарлараро ва халқаро телефон алоқасидан фойдаланиш тартиби» жорий этилганини

МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

УНГА ҚУЙИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР КИРИТИЛГАН:

гаплашиш пунктларида ҳақ тўланган вақтдан ташқари сўзлашувни узайтириш тўғрисидаги буюртмалар ман этилади. Ҳақ тўланган вақт тугагач, гаплашув яна давом этаётган бўлса олдиндан огоҳлантиришсиз алоқа узиб қўйилади.

Телефон ўрнатилмаган меҳмонхоналар, касалхоналар, санаторийлар, дам олиш уйларида бўлган гражданларга шаҳарлараро телефон алоқасидан фойдаланишда қулайлик туғдириш мақсадида алоқа бўлимларида шаҳарлараро телефонда сўзлашув учун талонлар сотилади.

Чақирилган абонент алоқа бўлими томонидан юборилган телеграммада кўрсатилган гаплашув пункти ёки телефонда сўзлашиши шарт.

Шаҳарлараро телефон алоқаси автоматлаштирилганлиги муносабати билан қатор қўшимча хизмат турлари қайта кўриб чиқилди ва айрим тартиблар ўзгарди ёки ўзгаришсиз қолдирилди. Жумладан: чақираётган абонентнинг шаҳарлараро телефонда гаплашиш учун қайси гаплашув пункти ёки телефон таклиф қилгани тўғрисида чақирилаётган абонентни хабардор қилиб қўйиш;

Чақирилаётган абонентни (чақираётган абонентнинг илтимосига кўра) буюртма бўйича ким сўзлашувга чақираётгани ҳақида хабардор қилиш;

Бошқа шаҳардаги телефон номери тўғрисида справка; тегишли шахсни телефонга чақириш;

абонентнинг счётида кредитга гаплашганлик учун қуйидагилар кўрсатилади:

ҳисоб-китоб даври;

телефон сўзлашувларининг сони ва гаплашганлик учун тўланадиган ҳақ, счёт очилган ой, тўлов муддати.

Абонентнинг талабига биноан гаплашганлик учун тўлов суммаси шаҳар коди, ой, соат, сўзлашув қанча давом этганлиги ва сўзлашув нархи кўрсатилган ҳолда тўланиши мумкин.

Абонентнинг талаби бўйича айрим ҳолларда чақирилаётган абонентнинг телефон номери ҳақида унга маълумот берилади.

Счет очилган ойдан бошлаб узоғи билан 1 ой муддат ичида мазкур счет ҳақида маълумот берилиши керак.

Алоқа ходимлари шаҳарлараро телефон гаплашувлари мазмунини сир сақлашлари лозим. Шунингдек, улар ким билан қачон ва нима ҳақда гаплашгани ёки ким-кимни гаплашувга чақиргани тўғрисидаги маълумотларни очиш ҳуқуқига эга эмас. Телефон гаплашувлари тўғрисидаги справкалар алоқа муассасалари томонидан фақат телефон эгаси ёки унинг қонуний вакилига берилиши мумкин.

Шахсий фойдаланишдаги телефон эгалари, шунингдек корхона, муассаса, ташкилот (шу жумладан, ётоқхоналар, меҳмонхоналар, санаторийлар, дам олиш уйлари, чет эл ваколатхоналари ва халқаро ташкилотлар)лардаги телефон эгалари мазкур телефонлар орқали шаҳарлараро телефон гаплашувлар учун тўла жавобгардирлар.

Коллектив фойдаланишдаги телефон учун масъул бўлган шахс бегона кишиларнинг шаҳарлараро телефон гаплашувига кредитга буюртма беришда фойдаланган учун моддий жавоб беради.

Квартира телефонларидан кредитга шаҳарлараро телефон гаплашувлари учун тўланадиган ҳақ счет очилган кундан бошлаб 15 кун муддат ичида тақдим этилиши керак.

Телефондан фойдаланганлик учун қилинган ҳисоб-китоб ҳужжати абонент томонидан 3 йил муддатга сақланиши лозим.

Абонент огоҳлантиришдан сўнг тўлов қарзларидан қутулгач, бу ҳақда у шаҳарлараро телефон станциясининг абонент участкасига хабар бериши керак.

Агар огоҳлантиришдан 5 кун муддат ичида абонент кейин қарзларини тўламаса унинг телефони узиб қўйилади.

Абонент қарзидан қутулганлигини исботловчи ва айта улаш учун 2 сўм тўлаганлик тўғрисидаги ҳужжатларни топширгач шаҳарлараро телефон станцияси 2 кун муддат (якшанба ва байрам кунларидан ташқари) ичида Тошкент шаҳар телефон тармоқлари бошқармасига телефони қайта уланиши лозим бўлган абонентлар рўйхатини тақдим этиши керак. Шаҳар телефон алоқаси муассаси шундай рўйхатни олган пайтидан бошлаб бир сутка мобайнида телефонларни қайта улайди.

НАШРИЁТ ТУҲФАЛАРИ

«САДОҚАТ»

ХАССОС шоира, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Ҳалима Худойбердиеванинг юксак эҳтирос ва ҳаяжонга йўғрилган шеърларидан баҳра олмаган киши топилмаса керак. «Ўқувчим, тўкилди оғу билан бол, мен шеър деб атадим унинг отини, ҳаяжонли кунлар мевасини ол, ўйқусиз тунлар мукофотини», деб у китобхонларга мурожаат этади.

Дарҳақиқат, шоиранинг янги китоби бу сўзлар нақадар самимий эканлигидан далолат беради. Тўпламга Ҳ. Худойбердиеванинг чорак аср давомида ёзган шеърларидан энг саралари жамланган. Ижодкорнинг Ўзбекистон шуҳрати, аёл бахти ва унинг тақдири, ота-она меҳрини улуғловчи, муҳаббатнинг қувонч ва изтироблари, қишлоқ кишиларининг ўзига хос психологияси қаламга олинган шеърлари китобхонларни асло бефарқ қолдирмайди.

●

«СУВАЙДО»

ТАНИҚЛИ шоир Жамол Камолнинг илк шеърлар тўплами — «Олам кирар юрагимга» 1968 йилда чоп этилган эди. Шундан сўнг унинг бирин-кетин «Чўққиларга ёғилди ёғду» (1970), «Тош туғён» (1972), «Ҳасан ва Ой» (1973), «Қуёш чашмаси» (1975), «Достонлар» (1978), «Тафаккур» (1979) ва «Лирика» серияси да «Қадаҳ» (1980) китоблари нашр қилинди.

«Сувайдо» номли янги мажмуага шоирнинг 20—25 йил мобайнида ёзган энг яхши шеърлари жамланган. Тўпламга она-Ватан, инсоний бурч, меҳр-муҳаббат ва оқибат мавзуидаги шеърлар, лирик-фалсафий характердаги саккизликлар, ғазал, муҳаммас, қасидалар киритилган. Ундан таржима асарлардан намуналар ҳам жой олган.

Бу адабиётлар Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилди.

ҲАМЗАХОНЛИК КУНЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

ИНСТИТУТДА АДАБИЙ КЕЧА

Шу кунларда республикамизнинг барча шаҳар, поселка ва қишлоқларида Ҳамза ижодига атаб адабий кечалар ўтказилмоқда. Шундай анжуманлардан бири яқинда Тошкент Давлат маданият институтида бўлиб ўтди. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий таваллудининг 95 йиллигига бағишланган адабий — музикали композициями Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор Собир Мирвалиев иқиилоб куйчисининг ўзбек совет адабиёти ва маданияти шаклланишидаги хизматлари хусусидаги кириш сўзи билан очди. Ўзбек адабиёти кафедрасининг доценти Норқул Бекмирзаев Ҳамзанинг ижодий фаолияти ҳақида доклад қилди. Анжуманнинг бадиий қисмида эса институт талабалари ижросида шоирнинг шеър ва ашулалари янгради, драмаларидан парчалар намойиш этилди.

Набира ОДИЛОВА.

ГУЛЛАР ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

Баҳорнинг гўзаллиги, латофати, шавқи-ю, завқи бу ерда ўтирган аёлларнинг гулгун чеҳраларида акс этаётгандек эди. Улар Собир Раҳимов районидаги Ойбек номли маҳалланинг онахонлари, опа-сингиллари эдилар.

— Қадамларингизга гуллар поёндоз,— деди жамоатчилик номидан аёлларни қизғин қутлаган маҳалла комитети раиси У. Пўлатов.— Ҳамиша соғ бўлинглар, баҳордек яшнаб юринглар.

Сўнгра шу райондаги 249-мактаб партия ташкилотининг секретари, маҳалла хотин-қизлар Советининг раиси Моҳира Ҳошимова Халқаро хотин-қизлар куни—8 март ҳақида доклад қилди.

Аёлларга гуллар тақдим этилди. Ўзбекистон радиоси ва телевиденнеси артистлари иштирокида концерт қўйиб берилди.

Куни кеча бўлиб ўтган байрам тантанаси маҳалла аҳлига, аёлларимизга кўтаринки руҳ, хушчақчақлик, яхши кайфият бахшида этди.

М. РИХСИЕВ.

* * *

Пойтахтимизнинг Киров районидаги «Бодомзор» маҳалласида ҳар бир байрамни тантана билан нишонлаш одат тусига айланган. Шунинг учун ҳам кеча маҳалла клубида кўплаб хотин-қизлар тўпланишди.

Кечада маҳалланинг шинфокор аёлларидан бири Шоира Жабборова «Халқаро хотин-қизлар куни» ҳақида қизиқарли доклад қилди. Сўнгра сўзга чиққан кўплаб онахонлар хотин-қизлар тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилаётганликлари учун Коммунистик партия билан Совет ҳукуматига миннатдорчилик изҳор этдилар.

Шу куни райондаги Абдулла Қодирий номли маданият уйининг бадиий ҳаваскорлари ижро этган, бахтиёр аёлларимизни шарафловчи куй ва қўшиқлар янгради. Кеча йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Э. ТЎЛАГАНОВ.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

МУСОБАҚАЛАР, УЧРАШУВЛАР

● ПЕШҚАДАМ УСТИДАН ҒАЛАБА

Ўзбекистон ўсмирлар терма командаси биринчи турда Руминия футболчилари билан 0:0 ҳисобида дуранг ўйнагандан сўнг, иккинчи турда дам олди. РСФСР футболчиларини йирик 6:0 ҳисобида мағлубиятга учратган Венгрия футболчилари иккинчи турда Украина командасини 2:0 ҳисобида мағлуб этиб, 4 очко билан группада пешқадамликни қўлга олишди. Учинчи турда Венгрия ва Ўзбекистон командалари учрашдилар. Майдон эгалари дастлабки минутларданоқ ҳужумга ўтиб беришди. Тўртинчи минутда Матвеев ҳисобни очди. Орадан ўн бир минут ўтгач Жонибеков яна бир тўп киритди. Муваффақиятдан руҳланган республикамиз футболчилари танаффусгача яна битта тўп киритишди. Иккинчи бўлимда ҳар иккала команданинг ҳаракатлари зое кетди. Ўзбекистон терма командаси 3:0 ҳисобида пешқадам устидан ғолиб келди.

Биринчи группада карвонбошилик қилаётган СССР терма командаси Чехословакия футболчиларини 1:0 ҳисобида мағлуб этиб, 6 очко билан биринчи ўринни эгаллаб турипти. Болгария командаси Финляндия футболчиларини 1:0 ҳисобида мағлуб этди. РСФСР—Украина коллективлари ўртасидаги ўйинда ҳисоб очилмади.

Тошкент ва пойтахт области стадионларида давом этаётган ўсмирларнинг 14-халқаро анъанавий турнир иштирокчилари бугун дам олишади. Эртага сўнгги ўйинлар ўтказилгач, группа ғолиблари 11 март куни «Пахтакор» стадионида биринчи ўрин учун баҳслашадилар.

● МЕДАЛЛАР ШОДАСИ

СССР ва ГДР енгил атлетикачиларининг анъанавий учрашуви Ленинград шаҳрида бўлиб ўтди. Тошкентлик Р. Гатаулин лангар билан сакрашда 5 метр 40 сантиметр натижа билан ғолиб келди. В. Риженков 5 метр 20 сантиметр натижа билан иккинчи бўлди. А. Живицкий 7 метр 68 сантиметр узунликка сакраб, кумуш медаль билан тақдирланди.

● ХАЛҚАРО МУСОБАҚАДА ИККИНЧИ

Тошкентлик Владимир Подмарёв енгил атлетика кўпкураши бўйича республикамизда эмас, Иттифоқда энг кучли спортчилардан ҳисобланади. Мамлакат терма командаси устозлари В. Подмарёвга катта ишонч билдириб, уни СССР терма командаси составига киритдилар. Мана Софиядан хушхабар келди. Тошкентлик енгил атлетикачи саккиз курашда 6625 очко тўплаб иккинчи совринли ўринни олди. У командадош дўсти А. Арешиндан орқада қолди, холос.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ

МТ-I. 9.00 — «Время». 9.40 — Молдован гобелени». 10.10 — «Бугун — Халқаро хотин-қизлар куни». 10.55 — «Оналаримизни қутлаймиз». 11.30 —Футбол. УЕФА кубоги. ¼ финал. 13.00 — Шоирлар ўз шеърларини ўқийдилар. 13.30 — «Рус жилолари». 14.30 — «Дунё воқеалари». 14.45 — Футбол бўйича кубок эгаларининг кубоги. ¼ финал. 16.15 — «Юз қувонч ёки Буюк кашфиётлар китоби». Бадиий фильм. 17.20 — «Цирк майдонида». 18.25 — Фильм-концерт. 19.05—Мультфильм. 19.30 — «Балли, қизлар». 21.30 — «Время». 22.00 — Байрам концерти. 24.00 — 00.10 — Янгиликлар.

МТ-II. 9.00 — Эрталабки гимнастика. 9.20 — Халқаро Хотин-қизлар куни — 8 Мартга бағишланган телевизион ҳужжатли фильмлар. 10.15 — Ф. Шопен асарлари. 20.50 — «Оила ва мактаб». Тележурнал. 11.20 — Мультфильмлар. 11.50 — «Дўстларимиз премьералари». «Буюк халқ ҳақиқати». Илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар. 13.15 — «Саёҳатчилар клуби». 14.15 — «Донолик алифбеси». Бадиий фильм. 15.20 — Останкино концерт студиясида шоира Ю. Друнина билан учрашув. 16.40 — «Сахий оқшом». Фильм-концерт. 17.00 — Тўпли хоккей бўйича СССР чемпионати. 17.50 — «Ўз ҳисобидан отпуска». Бадиий фильм. 1, 2-сериялар. 20.00—20.30 — Кўшиқдан рақсга. 20.45 — «Она ер жилолари». Ҳужжатли фильм. 20.55 — Концерт. 21.30 — «Время». 22.00—23.45 — «Аёллар». Бадиий фильм.

ЎзТВ-I. 10.00 — «Ахборот». 10.20 — Мультфильм. 10.40 — Фильм-концерт. 11.40 — Телефильм. 12.00 — «Иқбол». Конкурс. 13.30 — «Садоқатни синаш». Бадиий фильм. 18.00 — Янгиликлар. 18.05 — Мультфильм. 18.15 — «Ҳар доим бўлсин онам». 18.45 — «Байрам айёмида чеҳралар гулгун». 19.30 — «Ахборот». 19.45 — «Иззатда сиз, хизматда биз». Телевизион миниатюралар театри. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — «Гулшанаро гулчеҳралар». 21.30 — «Время». 22.00 — Халқаро Хотин-қизлар куни 8 Мартга бағишланган байрам концерти.

ЎзТВ-II. 18.00 — Баҳор тароналари. 18.10 — «Қайнона». Бадиий фильм. 19.30 — «Ахборот». 19.45 — Кўшиқлар, рақслар, ҳазиллар. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — «Аёллар, Сизлар учун». Кинокўрсатув. 21.30 — МТ-II.

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ
/ "Ташкентская правда"/
Орган Ташкентского обкома Коммунистической партии Узбекистана и областного совета народных депутатов

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000. Тошкент—П, ЛЕНИН кўчаси, 41

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748, масъул секретарь—334808, 325353, секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 325778, саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749, қишлоқ хўжалиги — 325647, пропаганда; совет қурилиши — 325645, фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553, адабиёт ва санъат — 325767, ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733, хатлар ва оммавий ишлар; фельетонлар — 334048, 325354. Фотомухбир — 325894.

Р. 07135. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. В. 1561. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12